

«Шаҳрисабз вино-арок» акциядорлик жамияти
Кузатув кенгаши мажлиси
9-сонли БАЁННОМАСИ

2015 йил 2 октябрь

Тошкент шаҳри
Абай кучаси 6-уй, соат 11-00

Мажлисада қатнашганлар:

З.Якубов -	Кузатув кенгаши раиси;
Ш.Садиқов -	Кузатув кенгаши аъзоси;
Т.Казаков -	Кузатув кенгаши аъзоси;
К.Худайбердиев -	Кузатув кенгаши аъзоси;
С.Тошев -	Кузатув кенгаши аъзоси.

Кузатув кенгаши раиси З.Якубов мажлисада Кузатув кенгаши аъзоларидан 5 киши қатнашаётганлигини, кворум 100 фоизни ташкил этишини таъкидлаб, мажлис ўтказилиши ваколатли деб ҳисобланишини маълум қилди ва мажлисни очик деб эълон қилди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. “Шаҳрисабз вино-арок” АЖнинг директори вазифасини бажарувчиси Э.Мўминовни эгаллаб турган вазифасидан озод қилиш тўғрисида.
2. “Шаҳрисабз вино-арок” АЖ директори вазифасини вақтинчалик бажарувчисини, асосий ходим қабул қилингунга қадар, тайинлаш масаласи.
3. “Шаҳрисабз вино-арок” АЖнинг директори лавозимига номзодлар танлаш республика ва чет-эл оммавий-ахборот воситаларида ҳамда Интернет тармоғида тузилган махсус сайтларда конкурс эълон қилиниши йўли билан амалга оширилиши ҳақида.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши раиси З.Якубов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси давлат рақобат қўмитаси 2015 йил 15 сентябрдаги №3593/02-39 сонли хати орқали, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссияси томонидан тасдиқланган 2015 йил 8 майдаги 4-сонли йиғилиш баённомасига кўра аттестация комиссиялари томонидан ўтказилган аттестация ва суҳбат натижалари бўйича комиссия мажлиси баёнларидан кўчирмаларни ижро учун юборганлиги ҳақида ахборот берди. Баённомага асосан аттестация комиссияси “Шаҳрисабз вино-арок” акциядорлик жамияти директори вазифасини бажарувчиси Э.П.Мўминов аттестациядан ўтмаганлиги ва эгаллаб турган лавозимига лойик эмаслиги ҳақида қарор чиқарган. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида “Шаҳрисабз вино-арок” АЖнинг директори вазифасини бажарувчиси Э.Мўминовни эгаллаб турган вазифасидан озод қилиш ва шу билан бирга унинг малакаси ва кўп йиллик иш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, малака кам талаб қиладиган ишга жойлаштириш таклифи киритилди.

Мазкур таклиф кузатув кенгаши аъзолари ўртасида овозга қўйилди:
Тарафдор-5 киши, Қаршилар- йўқ, Бетарафлар- йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши аъзоси Ш.Садиқов сўзга чиқиб, “Шаҳрисабз вино-арок” АЖнинг директори вазифасини бажарувчиси Э.Мўминовни эгаллаб турган вазифасидан озод қилиниши муносабати билан барча тегишли топшириқ ва вазифаларни ўз муддатида ва сифатли бажарилишини таъминлаш ҳамда корхона фаолиятини узлуксиз давом эттириш мақсадида “Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компанияси 2015 йил 23 сентябрдаги №13/1750 сонли хати орқали ушбу жамият раҳбари лавозимига

вактинчалик - асосий ходим қабул қилинганга қадар қуйидаги номзодларни тавсия этганлиги ҳақида маълумот берди:

1. Гуломов Саъдулло Имомович, “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ бош муҳандис вазифасини бажарувчиси.
2. Қодиров Жўракул Соатович, “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ бош ҳисобчи вазифасини бажарувчиси.
3. Ҳамраев Илхомжон Олимжонович, “Китоб шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонаси директори.

Кузатов кенгаши аъзолари тавсия этилган номзодларнинг иш фаолиятлари билан танишиб чиққанларидан сўнг уларнинг ҳар бири ушбу лавозимда ишлашлари мумкин эканликлари ҳақида фикр билдирдилар. Аммо, “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ бош ҳисобчи вазифасини бажарувчиси Қодиров Жўракул Соатович ва “Китоб шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонаси директори Ҳамраев Илхомжон Олимжоновичлар билан боғланилганда улар таклиф этилаётган лавозимда ишлашга ҳали тайёр эмасликлари ва эгаллаб турган лавозимларида ўз фаолиятларини давом эттиришлари мақсадга мувофиқлиги ҳақида фикр билдирдилар.

Шундан сўнг, “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ бош муҳандис вазифасини бажарувчиси Гуломов Саъдулло Имомовични ушбу лавозимга асосий ходим қабул қилинганга қадар вақтинчалик тайинланиши ҳақида таклиф киритилди.

**Мазкур таклиф Кузатов кенгаши аъзолари ўртасида овозга қўйилди:
Тарафдор-5 киши, Қаршилар- йўқ, Бегарафлар- йўқ.**

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан жамият Кузатов кенгаши раиси З.Якубов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармонига асосан акциядорлик жамияти ижроия органи раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, қоидага кўра, чет-эл менежерлари иштирок этиши мумкин бўлган, конкурс асосида амалга оширилади.

Шунга кўра, “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖнинг директори лавозимида номзодлар танлаш республика ва чет-эл оммавий-ахборот воситаларида ҳамда Интернет тармоғида тузилган махсус сайтларда конкурс эълон қилиниши йўли билан амалга оширилиши лозимлиги ҳақидаги таклиф киритилди.

**Мазкур таклиф Кузатов кенгаши аъзолари ўртасида овозга қўйилди:
Тарафдор-5 киши, Қаршилар- йўқ, Бегарафлар- йўқ.**

Кун тартибига қўйилган масалалар муҳокамаси ва таклифларни инobatга олиб, жамият кузатов кенгаши аъзолари йиғилиши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. “Шаҳрисабз вино-ароқ” акциядорлик жамияти директори вазифасини бажарувчиси Э.П.Мўминов аттестациядан ўтмаганлиги ва эгаллаб турган лавозимида лойиқ эмаслиги туфайли ўз вазифасидан озод қилинсин, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинсин ва шу билан бирга унинг малакаси ва кўп йиллик иш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, малака кам талаб қиладиган ишга тайинланиши тавсия этилсин.
2. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ бош муҳандис вазифасини бажарувчиси Гуломов Саъдулло Имомович, конкурс натижасига кўра асосий ходим қабул қилинганга қадар, “Шаҳрисабз вино-ароқ” акциядорлик жамияти директори вазифасини вақтинчалик бажарувчиси этиб тайинлансин ва у билан тегишли меҳнат шартномаси тузилсин.
3. “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖнинг директори лавозимида номзодларни танлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳамда “Узвиносаноат-холдинг” холдинг

компанияси билан ҳамкорликда республика ва чет-эл оммавий-ахборот воситаларида ҳамда Интернет тармоғида тузилган махсус сайтларда конкурс эълон қилиниши йўли билан амалга ошириш масаласи “Шахрисабз вино-арок” акциядорлик жамияти директори вазифасини вақтинчалик бажарувчиси С.Ғуломов зиммасига юклатилсин.

Кузатув кенгаши раиси:

Кузатув кенгаши аъзолари:



[Handwritten signature]
[Handwritten signature]
[Handwritten signature]

З.Якубов

Ш.Садиков

Т.Казаков

[Handwritten signature]

К.Худайбердиев

[Handwritten signature]

С.Тошев